



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 12 июнь, № 118 (7348) Чоршанба

Сайтнинг алоқаси учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШХТ ВА ОҲИЧК САММИТЛАРИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 13-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтайдиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда 15 июнь кунини Душанбе шаҳрида бўлиб ўтайдиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг навбатдаги саммитларида иштирок этади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисининг кун тартибидан устувор йўналишларда, жумладан, сибсат, иқтисодий ва ҳавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.


Саммит якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, шунингдек, ташкилот доирасидаги кўп қиррали шерикликни, жумладан, худудларо алоқаларни, рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари, экология, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммити «Хавфсиз ва янада раванг топан минтақа сари ягона ёндашув» мавзуси остида ўтади. Унда кенгашга аъзо ва кузатувчи мамлакатлардан, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакилларида иборат 30 дан зиёд делегациялар иштирок этади.

Ўзбекистон Президенти Бишкек ва Душанбе саммитларидаги иштироки доирасида хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

Ў.а.

ОЛИЙ МАЖЛИС ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИХАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Парламент ҳаёти

Лойиҳа ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Олий Мажлис палаталарининг молиявий мустақиллиги, шунингдек, парламент назорати эркинлиги, уларнинг Конституциядаги ҳокимиятлар бўлиниши принциплари бўйича фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим ҳужжат ҳисобланади.

— Парламент палаталари бюджетларининг янги механизмларини шакллантириш ва ижросини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалаларни тартибга солуви мазкур қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатларимизнинг тақриф ва тавсиялари инобатга олинди. — дейди қонун ташаббускорларидан бири, фракция аъзоси Гулшана Худоберова. — Хусусан, 6 та моддани ўз ичига олган қонун

лоийҳасининг фақат 3 ва 4-моддаларига қўра, амалдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига тегишли қўшимчалар киритилмоқда. Бунда, парламент палаталари ва уларнинг органлари, депутатлар ҳамда сенаторларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлар сметасини шакллантириш, тасдиқлаш ва фойдаланиш каби тартиблар аниқлаштирилиб, янги тахрирда баён қилиняпти.

Йиғилиш давомида депутатлар томонидан кун тартибига киритилган бир қатор қонун ва қарорлар лойиҳалари ҳамда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди.

➔ 2

ЭНГ МУНОСИБЛАР ҒОЛИБЛИК УЧУН БЕЛЛАШАДИ

Президент соврини учун «Ташаббус — 2019» кўрик-танловининг худудий босқичлари қизгин давом этмоқда.



Интилиш

Жумладан, унинг ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ босқичида худудлардан сараланган 400 нафардан ортқ тadbirkor, фермер ва хунармандлар ташриф буюрган бўлса, шундан 73 нафари якуний босқичга асосий даъвогар сифатида қатнашди. Пировадарида Шахрисабз туманидаги «Эко парранда» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муҳиддин Умидов «Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тadbirkori», Яқкабoғ туманидаги «Сетора Имкон плюс» МЧЖ раҳбари Наргиза Саломова «Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тadbirkori», Қарши шаҳридаги «Зафар Ғолиб Экспресс» МЧЖ вакили Ғолиб

Пирназаров «Йилнинг энг яхши ёш тadbirkori» номинацияси бўйича Ғолибликни қўлга киритди. Китоб туманидаги «Тўраев Обиджон Олимович» яқка тартибдаги тadbirkorлик субъекти «Йилнинг энг яхши хунарманди», Касби туманидаги «Юрт ризиқи» наслчилик фермер хўжалиги раҳбари Насрулло Худойбердиев «Йилнинг энг яхши фермери» йўналишларида биринчи ўринга сазовор бўлишди. Танловнинг БУХОРО ВИЛОЯТИ босқичида эса қуйи босқичда юқори натижага эришган 65 нафар тadbirkorлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда халқ амалий санъати соҳалари вакили иштирок этди.

Тadbirkor доирасида маҳсулотлар кўргазмаси ташкил қилинди. Тadbirkor хунармандлар ўзaro тақрибга алмашдилар. Байрамона руҳда кечган танлов якунида Ғолиблик номи маълум бўлди. Шундай қилиб, «Deluxe Fabric» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳожимурод Очилов «Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тadbirkori» деб топилган бўлса, «Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тadbirkori» «Олот Равон Транс» МЧЖ раҳбари Қаҳрамон Омонов, «Йилнинг энг яхши ёш тadbirkori» «Жондор Глобал Мегатекстиль» корхонаси бошлиғи Сардор Солиев бўлди.

➔ 2



ДУНЁ НИГОҲИ

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА ҲАМОҲАНГ ТАШАББУС


Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан яқинда имзоланган «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан илиқ кутиб олинди.



Хусусан, Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси мухбири Президент Фармони муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида имзоланганига эътибор қаратади. Бу мамлакатда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий кадрият сифатида тан олиншининг яна бир ёрқин ифодаси сифатида қайд этилади.

«МИР» давлатларо теледиалог компаниясининг «МИР 24» телеканали тарқатган репортажда қабул қилинган ҳужжат афв этиш ҳукм

қилинган шахсларга нисбатан инсонпарварлик ифодаси бўлиб, уни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилади ёки суд томонидан белгиланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириши таъкидланади. «Фармонга мувофиқ, содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 575 нафар фуқаро афв этилди».



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитасининг «Голос СНГ» радиостанцияси эса бундан аввалроқ — Наврўз арафасида 44 нафар фуқаро афв этилганини эълан қилган, бу сафар афв этилган 575 фуқародан 361 нафари жазодан тўлиқ озод

қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, 214 нафар шахсларнинг озодликдан маҳрум этиш жазо муддатлари қисқартирилади, дея маълум қилади.



«Eurasia Daily» ахборот-таҳлилий порталининг маълумот беришича, афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини аёллар, 1 нафарини чет эл фуқароси ташкил этади. Таҳлилчиларнинг фикрича, афв жамиятнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига уйғун ва ҳамоҳанг феномендир.

➔ 2

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Фарғона вилояти марказида Жанубий Кореянинг «Chang construction group» компаниясининг «Model house» меҳмонхоналарни сотиш ва реклама қилиш биносини қуриш ишлари бошланди.

Фарғонада «Business City» қурилади

Иншоот пойдеворининг тамал тошини қўйишга бағишланган тантанали тadbirkor Фарғона вилояти хокими Шукрат Фаниев, Жанубий Кореянинг «Chang construction group» компанияси директори Чи Чан Ги қатнашди.

Фарғона вилоятини ривожлантириш лойиҳаси асо-

сида кўплаб меҳмонхоналар, савдо мажмуалари ва бошқа иншоотлар барпо этилади. Хусусан, Фарғона шаҳрида ҳамкорликда қиймати 200 миллион доллар бўлган «Business City» замонавий мажмуаси ҳам қад ростлайди.

Элвжон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»).

Марказ учун янги бино

Республика «Оила» илмий-амалий тadbirkor маркази Бухоро вилояти бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Унда репродуктив саломатлик маркази, ўқув ва ахборот технологиялари хоналари, кутубхона мавжуд. Шунингдек, никоҳдан ўтиш учун ФХДга ариза берган йигит-қизларнинг оила психологияси, диний ва ахлоқий тарбия, ҳуқуқий муносабатлар, никоҳдан бюджетни, репродуктив саломатлиги бўйича билим ҳамда дунёқараши шакллантириладиган келин-куёвлар инновацион маркази хизматлари, марказнинг Бухоро шаҳар бўлими иш олиб боради.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Оромгоҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам бўстон

Пахтабод туманида «Бўстон» болалар оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Ушбу маскан 6 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига «Фидокор элгант» МЧЖ томонидан барпо этилди.

— «Бўстон» ўз номига муносиб оромгоҳ — дейди меҳнат фахрийси Санобархон Сотволдиева. — Бу ерда болалар мириқиб дам олишади. Икки нафар набираниннинг ёзги таътил кунлари ма-

роқли ўтишидан хурсандман. 100 ўринга мўлжалланган янги маскандан йилнинг тўрт фаслида ҳам фойдаланиш мумкин.

Самини ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Президент ташрифидан сўнг



НУРОТА вилоятининг НУРАФШОН ЭРТАСИ



Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида Нурота туманида бўлиб, худудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аввал белгилаб берилган вазифалар ижроси билан бирга қатор истиқболли лойиҳаларни кўздан кечирди. Мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Ана шу устувор вазифаларнинг бажарилиши, шубҳасиз, нуроталиклар ҳаётида янги саҳифалар очади.

Сайёҳлар хайрати

Нуротани гўзал Чашмасидан айрича тасаввур этиш мушукул. Ҳатто қадим манбаларда ҳам у оддийгина булоқ эмас, балки маънавий манба эканлиги алоҳида эътироф этилган.

Чиндан ҳам, бутун шаҳарни обихаёт билан таъминлаган Чашма азалдан минтақанинг табарруқ зиёратгоҳи ҳамда сайёҳларни хайратлантирадиган манзил бўлиб келган.

➔ 4

«БУ МЕН УЧУН БЕРИЛГАН КАТТА ИМКОНИЯТДИР»

«Дадажон, қачон уйга борасиз? Сизни соғинаман...» Кечагидек эсимда, ҳаётимда катта хато қилиб, озодликдан маҳрум этилганимда тўнғич қизим Фарангиз эндигина уч ёшга кирган эди. Оиламдагилар ҳар қил мени қўргани бо-ришганида уни ҳам бирга олиб боришар, қайтаётганида эса қизим ана шундай деганича юм-юм йилларди.

Дил сўзи

«Фарзанд меҳри тошни ҳам эрити» деганича бор экан. Уша кезларда қанчалар изтироб чекканим ёлғиз ўзимга аён.

Бағрикенг халқимиздан, Президентимиздан миннатдорман. Давлатимиз раҳбарининг муборак Рамазон ҳайити муносабати билан эълон қилинган Фармонга асосан афв этилдим. Шўқри, буғун фарзандларим, оилам бағрида яхши ният ва эзгу амаллар билан яшаяпман. Болаларимнинг меҳрини туйиб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Инсон учун жигар-бандлари ёнида юришининг ўзи


катта бахт экан. Бу мен учун берилган катта имкониятдир.

Кувончимни оширган яна бир жиҳат шу бўлдики, мутасадди ташкилотлар кўмағида ишга жойлашяпман. Қолаверса, оиламизга моддий ёрдам пули ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Турли хил кўптоблар ҳада қилишди.

Дилмининг туб-тубида фақат шу фикр айланми юрибди: «Энди халол меҳнат ортидан рўзгор тебратаман, юртимиз равангига нафи тегадиган фаолият билан шуғулланаман ва албатта, фарзандларимни ота-лиқ меҳри ила улғайтираман».

Ўқтам МАҲМУДОВ, Бухоро вилояти, Шофиркон тумани

Парламент ҳаёти



ОВЧИЛИК БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР ЎЗГАРЯПТИ

Мамлакатимизда 2015 — 2017 йиллар ҳамда 2018 йилнинг биринчи ярмида ов қилиш ва балиқ овлash соҳасида жами 18 минг 259 та ҳуқуқбузарлик аниқланган.

Овчилик ва ов ҳўжалигини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи қонун ҳўжатларининг тарқоқлиги ҳамда давлат бошқаруви органлари, овчилар ҳўқуқ ва мажбуриятлари қонун даражасида белгиланмагани шу каби қўллаб ҳўқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўляпти.

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш ҳамда ер участкасидан қонун ҳўжатларида ҳамда ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш талаблари қўйилмоқда.

Лойиҳада қатор нормалар назарда тутиляпти. Жумладан, овчилик ҳамда ов ҳўжалигини юритиш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, овчилар ҳамда ов ҳўжаликларининг ҳўқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш борасидаги талаблар белгиланмоқда. Бундан ташқари, овланадиган ҳайвонларни тутиш нормалари ва ов қилиш муддатларини ҳамда ҳорижий фўқролар учун ов туризмнинг ўзига хос хўсусятларини белгилаш тартиблари баён этиляпти.

Фракция аъзолари шу орқали ёввойи ҳайвонлар ҳисобини юритиш, уларни қўлайлаштириш ва тутиш нормаларини тартибга солиш устидан давлат назорати механизмларини такомиллаштириш мумкинлигини таъкидлашди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Тадбир

«МАЪРИФАТ» ТАРФИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ

Унинг олдига қандай вазифалар қўйилган?

Мазкур ташкилот Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида тузилган.

Ешлар иход саройида унинг тақдирот маросими ўтказилди. Тадбирда қайд этилганидек, жамият аъзоларига юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган ҳўқуқий-маърифий ҳўжатлар, Фармон ва қарорлар, фармойишлар, давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига содда усул ва услубларда тушунириш, тарғибот қилиш вазифалари юклатилган.

Ҳўш, ушбу ташкилот бугун нега керак? Унинг аввал ҳам мавжуд бўлган шу йўналишлардаги жамиятлардан фарқи нимда? Таъкидланганидек, мазкур муассаса глобаллашув жараёнлари, тинчлик ва барқарорликка қарши янги хатарлар тобора кўчайиб бораётган бугунги даврда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояси тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юрдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанимиз тақдири, келажаги учун дахлдорлик, масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафқуравий имунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташкилот аъзолари тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга, худудлардаги ихтимол-маънавий муҳитни хонадонма-хонадон юриб аниқлайди, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланади. Аҳолига энг зарур ахборотларни беришга, ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларга тежорлик билан муносабат билдиришга, инсонларни эзгу ишлар, янги марраларга руҳлантиришга ҳаракат қилади.

Маросимда жамият аъзоларига аъзолик гувоҳнома ва фаол тарғиботчиларга «Маънавият фидойиси» кўкрак нишон тантанали равишда топширилди. Шунингдек, қатор вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси доирасида нашр этилган «Ёш ота-она китоби», «Бахтли бола маънавияти», «Маънавиятшунослик» китоблари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА ҲАМОҲАНГ ТАШАББУС



Қилмишидан чинаям пушаймон бўлган шахсларни кечириб — яқин инсонини кутаётган бутун оилаларни янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир. "Илк мартаба 2017 йилнинг декабрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан 2700 маҳбус афв этилган эди", дея эслатиб ўтади Туркменистоннинг "Arzuw news" электрон нашри муҳбири. Мазкур Фармон Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги арафасида имзо-

ланган эди. 2018 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан 226 фўқаро, ўша йилнинг август ойида эса 261 фўқаро тинч ҳаётга қайтиш имконига эга бўлди. Озарбайжоннинг "Взгляд" газетасида афв этилган шахсларни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишлари, фойдали меҳнат билан шугул-



ланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берилди. Озарбайжонлик журналистларнинг фикри-

ча, Ўзбекистон жиноят содир этган шахсларни фўқат жазолаш эмас, уларни маърифий ва маданий ғоялар асосида қайта тарбиялаш, мазкур шахсларга ҳалол меҳнат ва тиришқоқлик билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун ёрдам беришда бутун дунёга ўрнак бўладиган ижобий тажрибага эгадир.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») таъйилади.

Сенатор мушоҳадаси

КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАР ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖУДА МУҲИМ



Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан коррупцияга қарши курашишнинг ҳўқуқий ҳамда институционал негизини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хўсусан, мамлакатимиз БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясига қўшилди. Маъмурий ислохотлар концепцияси, давлат хизмати масалаларини тартибга солишчи қонунчилигимизда ҳам коррупцияга қарши меъёр ва тартиблар белгиланган. Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қамрови ҳамда ёндашуви жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, шу турдаги ҳўқуқбузарликларни аниқлаш ва илдири билан йўқ қилиш масаласига урғу берилаётгани диққатга молик. Масалан, ҳозирги пайтда бутун дунёда коррупция ҳақида хабар берувчи шахслар институтига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, назаримизда, уни бизда ҳам жорий этиш фойдалидир. Бу тоифадаги шахсларнинг давлат ёки хўсусий ташкилотлар ходимлари томонидан содир этилаётган ноқонуний, ҳавфли ёки гайриахлоқий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумоти асосида жиноятни фўш қилиш механизми йўлга қўйилса, мамлакатда коррупция даражасини камайтириш имконияти янада ортади.

Коррупция ҳақида хабар берувчилар, ўз навбатида, ҳам давлат, ҳам хўсусий секторда фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ички маданиятини яхшилаш, уларни бошқаришни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Халқаро тажрибадан аёнки, ана шу шахслар маълумоти ягона ахборот манбаи бўлиб ҳисоб-

ланади, яъни уларсиз коррупцион жиноятларни тўрталгича очиб мушкул. Шу билан бирга, ҳар ким ҳам бу ишни зиммасига олмайди, чўнки хабар бериш билан боғлиқ хатарлар доимо юқори бўлади. Шу боис халқаро микёсда ва кўпгина мамлакатларда хабар берувчиларни ҳимоя қилиш бўйича чораларни жорий этишга қаратилган ишлар олиб бориляпти.

Жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг 33-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат жиноят деб топилган исталган фактлар тўғрисида ваколатли идораларга хабар берувчи ҳар қандай шахснинг ҳимоясини таъминлаш кераклиги кўрсатилган. Бирок бугунги кўнда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенциясида қайд этилган бундай ёндашув мамлакатимиз қонунчилигида тўлиқ акс этмаган.

Хўсусан, 2017 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда: "Коррупцияга оид ҳўқуқбузарликлар тўғрисида

ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мўстасно. Коррупцияга оид ҳўқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни таъкиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", деб белгиланган. Аммо ҳимоянинг аниқ ташкилий ва ҳўқуқий механизмлари ишлаб чиқилмаган. Ваҳолонки, бу жуда муҳим. Бу борада алоҳида қонун ҳўжати, аниқроғи, "Коррупция ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайми.

Коррупцион жиноятлар ҳақида хабар берган шахслар ҳимояси, ўз табиғати кўра, мураккаб ва кўп қиррали масала бўлиб, юридик хўсусийликдан ташқари, психологик, ахлоқий, ҳўқуқий ва бошқа жиҳатларни ҳам қамраб олади. Афсўски, айрим давлатларда коррупция ҳақида хабардор қилган шахсларга муносабат сўлбик бўлиб, уларни қачимчи ёки сотқин сифатида кўришади. Бу жамиятларда бирон масалани "тезкор" хал қилиб берган кишиларга мансабдорлар томонидан совға бериш шўнчаки одатга айланган. Зеро, мана шу каби "одатлар" жамият негизини емиради, оддий тил билан айтганда, инсоний қадриятларни поймол этади.

Умуман, коррупция тўғрисида хабардор қилувчи шахслар ҳимоясини давлат даражасида таъминлаш биз учун ҳам фойдадан холи эмас.

Фаррух ДАДАҲЎЖАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

Депутат фикри

Ўзбекистон — Қозоғистон: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ



Парламентлараро алоқалар замонавий халқаро муносабатлар ривожига муҳим ўрин тутди. Бундай тизим ва ҳамкорлик парламент дипломатияси мавқоини юксалтириш, томонларнинг ўзаро позицияларини яқинлаштириш, давлатлараро муносабатларни тартибга солишчи қонун ҳўжатларининг қабул қилинишига замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон парламентлараро алоқалари тарихида ҳам самарали учрашувлар ўтказилди. Хўсусан, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегациянинг юртимизга ташрифи парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор мулоқотларга бой бўлди.

Учрашувларда қайд этилганидек, мамлакатларимиз парламентлари кўмиталар даражасида фаол алоқаларни йўлга қўйиш лозим. Зеро, бу амалиётда жуда катта самара беради. Чўнки асосий фаолият ҳар доим Олий Мажлис кўмиталарида бўлиб ўтади.

Бугунги кўнда Олий Мажлисда депутат ва Сенат аъзоларидан иборат Ўзбекистон — Қозоғистон парламентлараро дўстлик гуруҳи фаолият олиб борапти. Хўдди шундай гуруҳ Қозоғистон парламентида ҳам тузилган. Улар тўғрисида тўғри мулоқотларни ўрнатиш учун ташкил этилган бўлиб, эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ва

янги шериклик лойиҳаларини илгари суришда ана шу дўстлик гуруҳлари имкониятларидан умумли фойдаланиш кўтилган натижа беради. Шу боис мазкур дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантириш икки давлат муносабатларида ҳам муҳим ўрин тутди.

Умуман, мулоқотлар Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентларининг ўзаро муносабатларида янги саҳифа очди. Биз, парламент аъзолари ҳам ўзаро дўстлик ва яхши қўшимчилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, икки халқни бир-бирига яқинлаштиришда фаоллик кўрсатишимиз лозим. Биринчи галдаги вазифамиз эса икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ва мулоқотлари чоғида эришилган барча стратегик келишувларни ҳаётга таъбиқ этишда қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Феруза ЭШМАТОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ЭНГ МУНОСИБЛАР ГОЛИБЛИК УЧУН БЕЛЛАШАДИ

"Адолат Алишер замини" фермер ҳўжалиги раҳбари Шерали Сайтов, таниқли миниатюрчи расссом, ипақ қроғзини кластер усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Даврон Тошев ҳам таълонинг республика босқичида қатнашиш ҳўқуқини қўлга киритди.

Ташаббус — 2019"нинг САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ босқичи шаҳарини Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида ўтказилди. Танловда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида илғор ютуқларга эришган, инновацион ғояларини кенг жалб қилиб, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган 78 нафар иштирокчи ўзаро беллашди.

Яқунда "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" номинацияси бўйича Пастдарғом туманидаги "Мараканд Лед инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улмас Аблаёв, "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида Булғунур туманидаги "Фаровон метан савдо" масъу-

лияти чекланган жамияти раҳбари Мансур Ербеков биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" номинациясида Самарқанд шаҳридаги "Амонот мебель текстиль" оилавий қорхона раҳбари Шохрам Амонов, "Йилнинг энг яхши фермери" йўналишида Окдара туманидаги "Pichochi Dry Fruits" фермер ҳўжалиги раҳбари Толибжон Абдуҷалилов, "Йилнинг энг яхши хўнарманди" йўналишида Самарқанд шаҳрилик ўймакор Савлат Раҳмонов муваффақият қозонди.

Жорий йилги танлов НОВОЙ ВИЛОЯТИДА фаолият юритаётган 700 дан ортиқ тадбиркор ва ишбилармонларни ўз атрофига бирлаштирди. Шўлардан 48 нафар туман ва шаҳар босқичларининг голлиб сифатида вилоят босқичида қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Навоий шаҳридаги "Zarafshan Golden Group" компанияси раҳбари Зайниддин Бозоров "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", "Трайдинг сервис" қорхонаси раҳбари Фарход Эрнazarов "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши



тадбиркори", "Экспорт Фиш Продукт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Обиджон Сайдов "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори", нуроталик яқка тартибдаги тадбиркор Гулмира Исломова "Йилнинг энг яхши хўнарманди", Навбахор туманидаги "Сафо севди" кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари Шеридёр Рустамов "Йилнинг энг яхши фермери" деб топилди, республика босқичида қатнашиш ҳўқуқини қўлга киритди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ босқичида эса 58 нафар тадбиркор, фермер ва хўнарманд бизнес соҳасидаги муваффақиятлари билан иштирок этди. "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" номинацияси бўйича "Хива silk фабрики" МЧЖ раиси Музаффар Раҳимов, "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида "Табассум савдо плюс" МЧЖ раҳбари Отабек Хожиев, "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" номинацияси бўйича "Мақсуда-Мадамин" оилавий қорхонаси раҳбари Мақсуда Мадаминова голлибликни қўлга киритди. Урганч туманидаги "Ташаббус — Дўрмон" фермер ҳўжалиги раҳбари Тохир Рузметов "Йилнинг энг яхши фермери", Хоразм ёғоч ўймакорлиги мактаби вакили Ойбек Боғибеков "Йилнинг энг яхши хўнарманди" дея эътироф этилди.

Танловнинг СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ босқичи ҳам ҳар жиҳатдан ўзгача бўлиб ўтди. Жумладан, иштирокчилар маҳсулотлари кўргазмаси вилоят мусиқали драма театри, Юрт байроғи, Билимдонлар маскани, Амфитеатр ва Ешлар маркази майдонларини қамраб олди. Шўнга яраша намойишга қўйилган маҳсулотлар, хизматлар ва йўналишлар ҳам ранг-баранг бўлди.

Яқунда Мирзаобод туманидаги "Mirzaobod Universal Trade Cluster" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Сотиболдиев "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", Сайхунобод туманидаги "Сайхун планет" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мўхаммад Бегимов "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", Гулистон шаҳридаги "Сайхун машиини савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бекзод Жўраев "Йилнинг энг яхши тадбиркори", Янғиер шаҳридаги "Ибодуллоева Салима" яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти раҳбари Салима Ибодуллоева "Йилнинг энг яхши хўнарманди", Бобёут туманидаги "Мурод" фермер ҳўжалиги раҳбари Собир Муродов "Йилнинг энг яхши фермери" номинациялари бўйича биринчи ўринга муносиб кўрилди.

«Халқ сўзи».

Кўн воқеалари

Қисқа сатрларда
Тошкентда Ўзбекистон — Хитой савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида фронтал юк ортиш техникалари соҳасида халқаро тадбир ўтказилди.

Сайхунобод туманида давлат-хўсусий шериклик асосидаги учта, Гулистон шаҳрида битта кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабга таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Риштон туманида томчилик сўғуриш технологияси бўйича амалга оширилаётган агротехник тадбирлар ва уларнинг афзалликлари бағишланган, амалий семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Пойтахтимизда академик лицейлар, касб-хўнар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси IV босқичи голлибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.


Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси томонидан Маданият вазирлиги, Ешлар иттифоқи билан биргаликда ёш бастакорларнинг биринчи халқаро фестивали уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 11 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади. *)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

1 АҚШ доллари	8518,68	1 Кувайт динори	28054,27	1 Миср фунти	509,80
1 евро	9652,52	1 Малайзия рингити	2049,24	1 Австралия доллари	5961,37
1 Россия рубли	131,33	1 Хитой юани	1233,57	1 Туркия лираси	1461,18
1 Англия фунт стерлинги	10847,69	1 Сингапур доллари	6253,62	1 СДР	11784,83
1 Япония иенаси	78,75	1 Швейцария франки	8625,64	1 Канада доллари	6421,92
1 Жанубий Корея вон	7,21	1 БАА дирҳами	2319,46	1 Украина гривнаси	318,46
				1 Польша злотийси	2266,75

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.



Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишар экан, инновацион ишланмалар ва илм-фан янгилликларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтириш, соҳадаги ҳар бир ташкилот тизимида илмий маҳсулотларни бозорбоп қиладиган маркетинг тизимини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Илмий муассасаларни келгуси йилдан тўғридан-тўғри Давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш таклифи олимлар томонидан қизгин кўллаб-қувватланди.



ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ УНИНГ ҚУРИЛИШИ НЕГА МУАММОГА АЙЛАНГАНДИ?

■ Академик ҳаётидаги унутилмас воқеалар

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай онлар бўладики, бу унинг қалбига бир умр унутилмас воқеа сифатида сақланиб қолади.

Шу кунларда табаррук 85 ёшини қаршилаган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти бош илмий ходими, Фанлар академияси академиги, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори Турсунбой Рашидов бундай онлар кейинги пайтларда ўз ҳаётида тез-тез юз бераётганидан мамнун.

